ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №4

Бухоро шахри 12 январ 2022 йил

«Саид Азиз» ОК, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи рахбари Саидов номидан, бир томондан ва Бухоро "Мурувват" ногиронлиги булган шахслар учун аёллар интернат уйи, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг устави асосида иш юритувчи директори Б.Тешаев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1.Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Махсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Бахоси
1	Карам	кг	600	5000	3000000
2	Картошка	кг	2000	4000	8000000
3	помидор	кг	800	12000	9600000
4	Пиёз	кг	1000	1800	1800000
	Жами:				22400000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (махсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 йил 31 Январгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий 22400000 (йигирма икки миллион турт юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун олдиндан тулов миқдори 6720000 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 15680000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "31" январгача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 15 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (махсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (махсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.